



Тараққиёт ва юксалишнинг қудратли таянчи

Озода ПАРПИБОЕВА,
“Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси
ўринбосари

Ёшлик – умр баҳори. Инсон умрининг айни шу фаслида энг улғу мақсадлар сари қадам ташлайди, унда бунёдкорлик ва янгиликка интилиш кучи жўш уради. Бугунги шиддатли даврда дунё тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ёшлар сиёсатига стратегик вазифа сифатида ёндашган, инсон капиталига энг кўп инвестиция киритган давлатлар глобал майдонда етакчиликни қўлга киритмоқда.



Табриклаймиз

ПАРТИЯДОШЛАРИМИЗ юксак давлат мукофоти билан тақдирланди!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшлар куни муносабати билан юртимизнинг фаол ва ташаббускор ёш авлод вакилларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги фармони мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти раиси, фаол партиядошимиз Аслонова Лайло Олимовна “КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ” медали билан тақдирланди.

Мазкур фармонга мувофиқ, яна бир фаол партиядошимиз – “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти



Мис бойитиш фабрикаси янчиш ва флотациялаш цехи флотатори Юнусова Озодахон Улугбек қизи ҳам “КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ” медали билан тақдирланди.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Лайло Аслонова ва Озодахон Юнусовани юксак давлат мукофоти билан самимий муборақбод этади.

Бу эътироф юртимизда ёшлар сиёсатига қаратилаётган юксак эътиборнинг, фаол, ташаббускор ва ватанпарвар ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган изчил ислохотларнинг амалий ифодасидир.

Айниқса, ёш авлод манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳамда мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш йўлида самарали меҳнат қилаётган ёш партиядошларимизнинг давлат даражасида эътироф этилиши барчамизга катта гурур ва ифтихор бағишлайди.

Бу эса, ўз навбатида, партияимизнинг минглаб ёш аъзоларини янада фаол, ташаббускор ва масъулиятли бўлишига, халқимиз ва Ватанимиз равнақи йўлида сидқидилдан хизмат қилишга руҳлантиради.

“Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши



Ваъда эмас, амалий ечим

ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ

уларнинг сайловчилар муаммосига
ечим топишига қараб белгиланади

Давлатимиз раҳбари бошчилигида олиб борилаётган бугунги ислохотларда халқ билан яқин мулоқотда бўлиш, одамларнинг дарду ташвиши билан яшаш, муаммоларига ечим излаш устувор аҳамият касб этапти.

Ўз-ўзидан аёнки, мазкур масалага, айниқса, депутатлар катта эътибор қаратиши лозим. Зотан, одамлар билан ишлаш механизмини самарали йўлга қўя олган депутатгина жамиятда ўз ўрнига эга бўлади, таъсир кучи ошади, қонунчиликка янги “қон” олиб киради.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси аъзолари халқ орасидаги ана шундай муаммоларни бартаф этиш мақсадида ҳудудларда бўлиб, ўрганиш ишларини олиб боришди.



Биз кучли
бўлиб
қайтамиз!



1 Жанубий Корея, Сингапур ва Финляндия каби мамлакатларнинг иқтисодий мўъжизалари замирида, аввало, ёш авлоднинг билими, технология ва инновацияларга бўлган интилишини тўғри йўналтириш ҳамда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тизими ётади. Ёшларни сифатли таълим ва замонавий касблар билан таъминлаган давлатлар ялпи ички маҳсулотнинг барқарор ўсишига, юқори технологиялар соҳасида рақобатбардошликка ва жамиятнинг ижтимоий юксалишига эришмоқда.

Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати ҳақида гап кетганда, ушбу соҳа шунчаки режалар эмас, балки давлат бошқарувининг энг устувор ва тизимли йўналишига айланганини таъкидлаш лозим. Сўнгги йилларда маҳаллаларда ёшлар етакчилари фаолиятининг йўлга қўйилиши, “Ёшлар дафтари” орқали 1,5 миллион нафар йигит-қизнинг муаммолари ҳал этилгани, тадбиркорлик ва хорижий тилларни ўрганиш учун яратилган кенг имкониятлар тизимли ислохотларнинг амалий ифодаси бўлди.

Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган янги вазифалар мамлакатимизда “билимлар иқтисодиёти” ва Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлидаги изчил ислохотларнинг манتيқий давомидир. Шу нуқтаи назардан, 30 июнь – Ёшлар куни муносабати билан ташкил этилган учрашув ва унда эълон қилинган янги ташаббуслар юртимиз ёшларининг жамиятдаги ўрни ва нуфузини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилиши билан эътиборли бўлди.

Президентимиз томонидан илгари сурилган лойиҳалар ёшлар бандлигини таъминлаш, уларни замонавий илм-фан ва юқори технологияларга ўқитишга қаратилган яхлит тизимни ташкил этади. Хусусан, “Келажақ билимлари экотизими” доирасида ҳар йили 500 минг нафар йигит-қизни замонавий касбларга ўқитиш, эҳтиёжманд оилалар фарзандларига бепул “касб ваучерлари” тақдим этилиши аҳолининг ижтимоий фаровонлигини оширади, ёшларнинг мамлакат равнақига дахлдорлигини юксалтиради.

“Рақамли ҳукумат” марказида суперкомпьютер кластерининг ишга туширилиши, 20 та олийгоҳда сунъий интеллект лабораториялари ташкил этилиши ҳамда янги АТ парклар ҳисобидан 20 мингдан зиёд юқори даромадли иш ўринлари яратилиши эса рақамли ривожланишни кафолатлайди. Олий таълим даргоҳлари битирувчиларини ишга олган тадбиркорлар учун солиқ имтиёзларининг жорий этилиши ҳамда “Ёшлар мини-франшизаси” дастури орқали 300 миллион сўмгача фоизсиз ссудалар ажратилиши тадбиркорлик фаолиятини ёшлар қатлами бўйича сезиларли даражада кенгайтиришга хизмат қилади.

Бундан ташқари, иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларни давлат бошқаруви органлари ва халқаро ташкилотларга стажировкага юбориш тизими давлат бошқаруви аппаратини замонавий фикрлайдиган юқори малакали кадрлар билан тўлдириш имконини беради. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бугунги дунёда давлатлар ҳудуди ёки табиий бойликлари билан эмас, балки билими, технологияси ва инсон капитали билан рақобатга киришмоқда. Янги ташаббуслар Ўзбекистон ёшларини ана шу глобал рақобатда юқори марраларни эгаллаш учун мустаҳкам таянч бўлади, деб ишонамиз.

Мазкур тарихий учрашув мамлакатимизда ёш авлодга қўрсатилаётган юксак ишонч ва эътиборнинг яққол далили, албатта. Яратилган кенг имкониятлар ва имтиёзлар эса юртимиз йигит-қизларининг ўз салоҳиятини тўлиқ намоён этиши, илм-фан ва замонавий технологияларни пухта эгаллаб, Ватанимиз тарақиётига муносиб ҳисса қўлиши учун янги уфқларни очади.

Юзма-юз мулоқот

ИШЧИ ГУРУХ СИРДАРЁДА

Сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги роли ва масъулияти ҳар қачонгидан ҳам ортиб бормоқда. Айниқса, жойлардаги муаммоларни тизимли ўрганиш, маҳаллий кенгашлар ва бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини замон талаблари асосида қайта кўриб чиқиш ҳамда аҳолининг ҳаётий эҳтиёжларини таъминлашга эътибор кучайтирилмоқда. Шу нуқтаи назардан, “Адолат” социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Озода Парпибоева бошчилигидаги ишчи гуруҳнинг Сирдарё вилоятида ўтказган ўрганиши бу борада муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Тоҳир САМИЕВ, журналист

Жараёнда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, “Адолат” СДП фракцияси аъзоси Нодира Жанибекова ҳамда партиянинг Сирдарё вилоят кенгаши масъуллари ҳам иштирок этдилар. Мониторинг давомида партиянинг вилоят кенгаши, шунингдек, Сайхунобод ва Гулистон туман кенгашлари фаолияти, ҳужжатларнинг тўғри ва тартибли юритилиши, ташкилий ишлар ҳолати ҳамда партия ташкилотларининг моддий-техник базаси кўздан кечирилди. Шунингдек, Сайхунобод туманидаги ўрганишларда ижтимоий соҳа объектлари, тиббиёт масканларида ва маҳаллаларда аҳоли билан мулоқотлар ташкил этилди.

Жумладан, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси туман бўлимида ўтказилган учрашувда тиббиёт масканининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, ходимлар учун муносиб меҳнат шaroитларини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Хабарингиз бор, жорий “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили”да аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, маҳаллалар инфратузилмаси ва ижтимоий муҳитини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган ишлар деярли ҳар бир ҳудудда ўз самарасини бермоқда.



Ёшлар

тараққиёт ва юксалишнинг қудратли таянчи

Ўзбекистонда сўнгги йилларда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, сифатли таълим имкониятларини кенгайтириш, касбий тайёргарлик тизимини такомиллаштириш ҳамда инновацион муҳитни шакллантиришга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ушбу жараёнларда ёшларнинг билим ва кўникмаларини замон талаблари асосида шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Наримон УМАРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси аъзоси

Президентимиз томонидан 30 июнь – Ёшлар куни муносабати билан ёшлар билан ўтказилган учрашувда мазкур йўналишлар янги мазмун билан бойитилиб, ёшларнинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллаши учун билим, касб ва технология энг муҳим таянч экани алоҳида таъкидланди. Ушбу ёндашув нафақат ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаб беради, балки мамлакатнинг узоқ муддатли ижтимоий-иқтисодий тарақиёти учун мустаҳкам пойдевор яратади.

Дарҳақиқат, ҳар бир соҳада муваффақият қозонишнинг асосий шарти бу – билим. Билим инсонларга фикрлаш, таҳлил қилиш, тўғри қарор қабул қилиш ва ўз имкониятларини кенгайтириш имконини беради. Президентимиз таъкидлаганидек, замонавий дунёда давлатлар аҳоли сони билан эмас, аксинча, билим ва инсон капитали билан рақобат қилмоқда. Шу сабабли, Ўзбекистонда ёшларнинг таълим олиши, хорижий тилларни ўрганиши ва замонавий кўникмаларни эгаллаш учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Миллионлаб ёшлар хорижий тиллар ва илгор билимларни ўзлаштириш орқали глобал меҳнат бозорига чиқиш имкониятини қўлга киритмоқдалар.

Шуни унутмаслик кераки, билим фақатгина диплом билан чекланиб қолмайди; у инсоннинг дунёқараши, ўзгаришларга мослашиш қобилияти ва ҳаётда муносиб ўрин топишининг энг муҳим кафолатидир. Шу боис, ҳар бир ёш ўз вақти ва имкониятини биринчи навбатда билим олишга сарфлаши зарур.

Ваҳоланки, ҳозирги меҳнат бозорига фақат назарий билимларнинг ўзи етарли эмас; амалий кўникмалар ва аниқ бир касбга эга бўлиш замон талабига айланмоқда. Президентнинг ёшлар билан учрашувида ҳар йили юз минглаб ёшларни замонавий касбларга ўқитиш, “Келажақ билимлари экотизими”ни жорий этиш, “касб ваучери” тизимини ишга тушириш каби муҳим ташаббуслар илгари сурилди. Бу ташаббуслар ёшларга иш топиш билан бирга, ўз бизнесини бошлаш ва иқтисодий мустақилликка эришиш учун ҳам кенг йўл очади.

Айниқса, янги давр касблари – дастурлаш, рақамли маркетинг, муҳандислик, сунъий интеллект, дизайн, логистика ва юқори технологияларга асосланган соҳаларга қизиқиш ортиб бормоқда. Энди касб танлашда анъанавий қарашлар билан бир қаторда, келажақ эҳтиёжлари ҳам ҳисобга олинishi, қувонarli ҳолат ва муҳим қарордир. Зотан, касб – инсоннинг эртанги куни учун кафолат, меҳнати қадри ва жамиятдаги муносиб ўриндир.

XXI аср бежизга технологиялар асри, деб аталмайди. Сунъий интеллект, рақамли иқтисодиёт, суперкомпьютерлар, инновацион стартаплар ва рақамли платформалар бутун дунё тарақиётини белгилаб бермоқда. Президентимиз ёшлар учун ахборот технологиялари ва сунъий интеллект соҳасида кенг имкониятлар яратилишини алоҳида таъкид-

”
Билинглар, энди давлатлар ҳудуди билан эмас, билими билан, аҳоли сони билан эмас, технологияси билан, табиий бойликлари билан эмас, инсон капитали билан рақобатга киришмоқда.

Билим, илм-фан ва тафаккур маҳсули бўлган янги “Билимлар иқтисодиёти” ҳал қилувчи кучга айланиб бормоқда.

лади. Олий таълим муассасаларида сунъий интеллект лабораторияларининг ташкил этилиши, “IT” парклар фаолиятини кенгайтириш, юқори даромадли иш ўринлари яратилиши ва ёшларнинг технологик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мамлакатимизнинг рақамли келажагига қаратилган муҳим қадамлардир.

Технологияни ўзлаштирган ёш иш оловчи бўлишдан, янги ғоя ва ечимлар яратувчи кучга айланади. Шу сабабли, бугун ҳар бир ёш рақамли саводхонликни, ахборот технологияларини ва инновацион фикрлашни ҳаёт тарзига айлантириши зарур.

Мухтасар айтганда, юртимизда амалга оширилаётган барча ислохотлар марказида инсон қадри ва унинг имкониятларини рўёбга чиқариш ғояси турибди. Ёшлар билан мулоқотда давлатимиз раҳбари томонидан қайд этилган имкониятлар уларнинг билими, рақобатбардош ва ватанпарвар авлод бўлиб шаклланишига хизмат қилишига аминимиз.

Бугунги ёшлар олдида турган асосий вазифа аниқ: кўпроқ ўқиш, замонавий касб эгаллаш, технологияларни пухта ўзлаштириш ва ўз устида доимий ишлаш. Чунки эртанги кун муваффақияти билимли инсонлар, кучли мутахассислар ва технологияни бошқара оладиган авлод қўлида бўлади.



инобатга олган ҳолда, соҳадаги сифат кўрсаткичлари партия диққат марказида бўлиши қайд этилди. Шу билан бирга, халқ депутатлари Гулистон туман Кенгашидаги партия гуруҳи ҳамда Кенгаш котибияти аъзолари билан ҳам мулоқот ўтказилди.

Партия ходимлари ва фаоллари зиммасидаги вазифаларни юксак масъулият билан бажариши, жойлардаги муаммоларни ўз вақтида ўрганиб, уларнинг ечимига депутатлик сўровлари ва тизимли чоралар орқали амалий қўмаклашиш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Ўтказилган назорат-таҳлил тадбирлари келгусида партия ташкилотлари фаолиятидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш ҳамда замон талаблари даражасида, янада самарали ва натижадор ташкил этишга хизмат қилиши, шубҳасиз.



ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ

УЛАРНИНГ САЙЛОВЧИЛАР МУАММОСИГА ЕЧИМ ТОПИШИГА ҚАРАБ БЕЛГИЛАНАДИ



Халқ манфаати йўлида амалий қадам

Бугун халқ вакиллари ҳамда сайловчилар ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтиришга қаратилган қатор ташаббуслар давом этмоқда. Шу асосда **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, “Адолат” СДП фракцияси аъзоси Зиёдбек Юнусовнинг** Фарғона шаҳридаги “Мустақиллик” маҳалласи фуқаролари билан мулоқоти ташкил этилиб, муаммолар ўрганилди.

Ўрганишда “Ташаббусли бюджет” жараёнларида ғолиб бўлмаган, аммо аҳоли учун муҳим аҳамиятга эга ички йўлларнинг таъмири депутат эътиборини тортди. Аниқланишича, 2,5 километр ички кўчага асфальт қилиниши зарур бўлиб, бунинг учун 1 миллион 600 миллион сўмдан ортиқ маблағ талаб этилади.



Депутат ташаббуси билан мазкур масала ижобий ҳал этилган, маҳалла ҳудудидаги ички йўлларга асфальт ётқизиш ишлари бошлаб юборилди. Ушбу ишларни сифатли бажариш, белгиланган муддатларда якунига етказиш ҳамда аҳоли учун қулай шароит яратиш масаласи депутат назоратига олиниб, бу борада масъулларга тегишли тавсиялар берилди.

Шунингдек, Зиёдбек Юнусов Фарғона туманида янги фаолият бошлаган “ИТ-шаҳарча” ўқув марказида бўлиб, бир вақтнинг ўзига 60 нафар ёшни қамраб олади. Бу ерда дастурлаш, робототехника, 3Д моделлаштириш, рақамли маркетинг, мобилография ва видеомонтаж йўналишларида таълим берилади.

Маълум қилинишича, марказ орқали ҳар йили қарийб 5 минг нафар ёшнинг замонавий ИТ билимлари ва амалий кўникмаларни эгаллаши режалаштирилган. Курсларни муваффақиятли якунлаганларга сертификат берилиб, бандлигини таъминлаш бўйича ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилган.

Танишув якунида депутат марказ фаолиятини янада ривожлантиришга шахсан кўмаклашиш мақсадида энг илғор тажрибаларни ёшларга ўргатишга йўналтирилган семинарлар ўтказишга ҳам келишилди. Депутат Фарғона туманидаги “Дамкўл Хидирбек Турдиали” фермер хўжалиги раҳбари Содиқжон Нўмонов билан мулоқот қилди. Фермер 2006-йилда тендер асосида 1,9 гектар ер майдонини 50 йиллик ижара ҳуқуқи билан олгани, хурмо боғи барпо этиб, самарали фойдаланиб келаётганини маълум қилди. Бироқ ҳозирда мазкур ер майдони юзасидан айрим баҳсли ҳолатлар юзгага келган.

Ҳолат юзасидан депутат туман ҳокимлиги ва тегишли мутасадди идоралар билан бирга жойига чиқиб ўрганиш ишларини олиб борди. Натижада масала қонунчилик асосида ўрганилиб, ҳуқуқий баҳо берилишига келишилди.

Мазкур мурожаат қонун устуворлиги ва фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш муҳим масала эканини яна бир бор кўрсатмоқда.

Имкониятлардан самарали фойдаланилмоқда

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, “Адолат” СДП фракцияси аъзоси Нодира Рашидова Қорақалпоғистон Республикасининг Кегейли, Бўзатов, Нукус туманлари ва Нукус шаҳрида ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда давлат дастурлари ижросини ўрганди.

Кегейли туманидаги “Обод” ҳамда “Жалпақ жап” овул фуқаролар йиғинларида ўрганиш ўтказиб, “Маҳалла еттилиги” аъзолари билан суҳбатлашди. Мулоқотда маҳаллада олиб борилаётган ислохотлар, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, аҳоли бандлиги, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар атрофлича муҳокама қилинди. Бундан ташқари, фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш самарадорлигини янада оширишга қаратилган амалий ишлар юзасидан тавсиялар берилди.

Депутат Бўзатов туманидаги “Янги Ўзбекистон” массивида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва обodonлаштириш ишлари, ижтимоий соҳа объектлари ҳамда инвестиция лойиҳалари ижроси билан танишди. Маҳалла фаоллари ва мутасадди ташкилот вакиллари билан ўтказилган учрашувда ҳудудни комплекс ривожлантириш, аҳоли мурожаатларини ўз вақтида ечиш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, ҳудуддаги тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Масалан, “Suliwxan-Sultanbek” савдо шохобчаси фаолияти ўрганилди. Бу ерда яратилган шароит ва иш ўринлари, кўрсатилаётган хизматлар сифати юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Депутат чорвачилик тармоғида амалга оширилаётган ишларни ҳам эътибордан четда қолдирмади. Бу борадаги ишларни жойларга чиққан ҳолда ўрганди. Чорвадорлар билан учрашув ташкил этилди. Суҳбат чоғида ҳудудда насли чорва молларини кўпайтириш, уларга кўрсатилаётган ветеринария хизматларини такомиллаштириш, озуқа базасини янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Нукус шаҳридаги ўрганишлар таълим сифати, соғлиқни сақлаш тизими, маҳалла институти фаолияти ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш каби устувор йўналишларни қамраб олди.

Жумладан, 22-сонли умумтаълим мактабида олиб борилаётган реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари билан танишилди. Ўрганиш давомида курилиш ишлари сифати, белгиланган муддатларга амал қилиниши, синф хоналарининг замонавий талабларга мос равишда жиҳозланиши, спорт иншоотлари ҳамда мактаб инфратузилмасини янгилаш ишлари кўздан кечирилди.

Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотлар ижроси ҳам депутат эътиборида бўлди. Шу мақсадда Нукус шаҳридаги 2-сонли оилавий поликлиника фаолияти атрофлича ўрганилди. Поликлиникада аҳолига кўрсатилаётган бирламчи тиббий хизматлар сифати, шифокорлар ва ҳамширалар учун яратилган шароитлар, беморларни қабул қилиш тизими ҳамда замонавий тиббий ускуналардан фойдаланиш даражаси жойида кўздан кечирилди.

Навбатдаги манзил Нукус тумани бўлди. Мазкур ҳудудда олиб бориладиган ўрганишлар давлат дастурлари ижросини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш ҳамда аҳоли манфаатларига хизмат қилаётган ислохотларнинг амалий натижаларини баҳолашга қаратилди.

Амалга оширилаётган ислохотлар натижадорлигини таъминлаш, фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ҳудудларни барқарор ривожлантиришга қаратилган ишлар депутатлик назорати асосида изчил давом эттирилади.

Масъуллар ваъда берди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, “Адолат” СДП фракцияси аъзоси Мавлуда Адҳамжонова Андижон туманидаги “Гумбаз” маҳалласи фуқаролари билан учрашди.

Мулоқотлар давомида мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллигига тайёргарлик қўриш жараёнлари, юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар, уларнинг жойлардаги ижроси ҳамда аҳолини ўйлантираётган долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шу билан бирга, фуқаролар ўзларини қийнаётган муаммолар билан депутатга юзланди. Қайд этилганидек, маҳаллада ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида бошланган ишлар номаълум сабабларга кўра тўхтаб қолган. Сув қувурларини ётқизиш жараёни якунига етказилмаган. Шунингдек, айрим ҳудудларда ичимлик сувининг беҳуда оқиб, исроф бўлаётгани аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда.

Халқ вакили мазкур масалани жойида ўрганди.

Ҳолатни бартараф қилиш мақсадида тегишли масъуллар билан боғланди. Ичимлик суви таъминоти билан боғлиқ муаммони бартараф этиш, сув исрофининг олдини олиш ҳамда бошланган ишларни якунига етказишга масъуллар ваъда беришди ва бу масалалар депутат назоратига олинди.

Бундан ташқари депутат аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва тиббий маданиятни янада юксалтириш борасида кўрилаётган чоралар билан ҳам қизиқди. Хусусан, Олтинкўл туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 44-оилавий поликлиника фаолияти билан танишди.

Бугун барча даражадаги тиббиёт муассасалари замонавий тиббий анжомлар билан таъминланган. Энг чекка ҳудудларда ҳам барча керакли жиҳозлар мавжуд. Биргина вазифа, изланиш ва тиббий хизмат сифатини оширишда қолмоқда. Бемор аввалгидек марказга интилимаслиги, керакли муолажани яшаш жойининг ўзида олиши лозим. Бунинг учун уларнинг ишончини қозониш зарур.

Оилавий поликлиникаларни ташкил этишда ҳам шу мақсад кўзда тутилган.

Шунингдек, депутат беморлар учун яратилган шароитлар, қандай хизмат кўрсатилаётгани ва керакли дори воситалари билан таъминланганлигига эътибор қаратди.

Ўрганиш давомида беморлар учун энг яқин даво маскани бўлган мазкур оилавий поликлиникада ҳам айрим муаммолар борлиги аниқланди. Масалан, кутиш залида беморлар учун ўриндиқлар етишмайди. Депутат бу борада керакли тавсиялар берди.

Депутат тумандаги “Аууё” кичик корхонаси фаолияти билан танишар экан, хотин-қизларга яратилган шароитлар, замонавий дастгоҳлар билан ишлашдаги қулайликлар ва маҳсулот сифатига эътибор қаратди. Ёш тадбиркор Сардорбек Турғуновнинг саъй-ҳаракати билан айни вақтда 50 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланган. Улар тайёрлаган маҳсулотлар хорижий давлатларга экспорт қилинмоқда.

“Гулзор” маҳалласида ўзгариш бўлади

Юртимизда ҳар бир инсон фаровон турмуш кечириши олий қадрият саналади. Хусусан, ёшларнинг сифатли таълим олиши, муносиб меҳнат шароити яратилиши, муҳтож фуқаролар учун ижтимоий ёрдам кўрсатилиши, қонун устуворлиги мамлакат сиёсатининг ажралмас қисмидир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари жойлардаги қабулларда ана шундай тамойилларни илгари сурмоқда. Жумладан, **“Адолат” СДП фракцияси аъзоси Манзура Салимова** Фарғона шаҳридаги “Гулзор” маҳалласи фуқаролари билан ўтказган учрашувда аҳоли мурожаатларига оид бир қатор масалалар муҳокама қилинди.

Қабулда фуқаролар томонидан ҳудуд инфратузилмаси, экологик хавфсизлик, ички йўлларни таъмирлаш, болалар ўйингоҳи учун зарур шароит яратиш, шунингдек, ногиронлиги бўлган фуқароларни қўллаб-қувватлаш каби масалалар кўтарилди.

Депутат ҳар бир мурожаатни маҳалла фаоллари ва масъул ташкилотлар вакиллари иштирокида ўрганди. Муаммоларнинг ечими бўйича тегишли мутасаддилар билан мулоқотлар ўтказилди, амалий чоралар белгилаб олинди. Айниқса, аҳоли учун қулай ва хавфсиз яшаш муҳитини шакллантириш, маҳалла инфратузилмасини яхшилаш ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга зарур кўмак кўрсатиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шундан сўнг депутат назорати остида “Гулзор” маҳалласида инфратузилма билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш бўйича амалий ишлар бошланди.

Таъкидлаш жоиз, аҳоли мурожаатларини бевосита жойига чиққан ҳолда ўрганиш, мавжуд муаммоларни масъуллар билан ҳамкорликда ҳал этиш “Адолат” СДП депутатлик корпуси фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу каби ама-



лий мулоқотлар фуқароларнинг муаммоларига ўз вақтида ечим топиш, аҳоли учун яшаш шароитини яхшилаш ҳамда халқ вакилларига бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Депутат ҳудуддаги 10-сонли оилавий поликлиникада аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати, яратилган шароит, “Ташаббусли бюджет” лойиҳалари доирасида амалга оширилган ишлар билан ҳам танишди.

Мавжуд имкониятлардан янада самарали фойдаланиш, фуқаролар мурожаатларига тезкор муносабат билдириш, профилактик тадбирларни кучайтириш ва тиббий маданиятни ошириш борасида тегишли тавсиялар берилди.





ИЛМ, ИННОВАЦИЯ ВА УСТОЗЛИКНИ Бирлаштирган олим

Илм – келажак пойдевори, устоз эса уни бунёд этувчи меъмордир. Профессор Гулом Узоқовнинг ҳаёт йўли ана шу эзгу ҳақиқатнинг ёрқин ифодасидир.

Инсоният тараққиёти тарихига назар ташласак, ҳар бир даврнинг юксалиши илм-фан билан, ҳар бир тараққиёт босқичи эса фидойи олимлар номи билан боғлиқ эканига гувоҳ бўламиз. Зеро, илм – тараққиёт чароғи, инновация – келажакка очилган эшикдир. Ана шундай эзгу йўлда ўзининг бутун умри, билими ва салоҳиятини юртимиз равнақиға бағишлаган олимлардан бири – техника фанлари доктори, профессор Гулом Узоқовдир.

Руиддин РАУПОВ,
"Адолат" СДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси,
Хайрулла ДАВЛОНОВ,
техника фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент,
Қарши шаҳридаги "Ойдин" МФЙ
бошланғич партия ташкилоти раиси

Қарийб қирқ йиллик самарали меҳнат фаолияти давомида у нафақат энергетика соҳасида, балки олий таълим ва илм-фан тараққиётида ҳам муносиб из қолдирди. Унинг ҳаёт йўли илмга садоқат, меҳнатсеварлик ва Ватан тараққиётига дахлдорлик туйғусининг ёрқин намунасидир.

Дарвоқе, Гулом ака бугун нафақат илм-фан фидойиси, балки "Адолат" СДПнинг жонкуяр, ташкилотчи фаолларидан ҳисобланади. У партиямиз Сайловдиди дастурида илгари сурилган қайта тикланувчи энергия манбаларидан оқилона фойдаланиш бора-сидаги устувор вазифаларни амалга оширишда катта ҳисса қўшиб келмоқда. Айниқса, партиянинг асосий таянч нуқтаси сифатида эътироф этилган БПТ аъзоси сифатида жойлардаги долзарб муаммоларни аниқлаб, партиянинг дастурий мақсадлари асосида амалий ечимлар топишда алоҳида намуна кўрсатмоқда. Гулом Узоқовнинг бевосита кўмаги ва партия гоёларини кенг тарғиб этиши эвазига БПТ аъзолари сони йилдан-йил ўсиб бормоқда. Дастлаб маҳаллада 6 нафар аъзо билан ташкил топган БПТ фаоллари сони бугунга келиб 133 нафарга етди. Гулом Узоқов партиянинг барча тadbirlарида БПТ фаолиятини ривожлантириш, партиявий интизомни мустаҳкамлаш ҳамда бу борада инно-

вацион ёндашувларни жорий этиш юзасидан иштирокчиларга амалий тавсиялар бериб келади.

Одамларда партия гоёларига хайрихоҳлик уйғотиш ва аъзолар сонининг ошишида Гулом Узоқов янги ташаббуслар билан чиқиб, таклифлар бериши, ҳар жиҳатдан фаоллик кўрсатиши аҳоли орасида партия гоёларини кенг тарғиб этишда муҳим ўрин тутмоқда. Гулом Узоқов ҳамкорлигида маҳаллада тузилган БПТ йил бошидан буён қатор амалий ишларга қўл урди. Яъни аҳоли саломатлигини асраш, оилаларни мустаҳкамлаш ва уларнинг муаммолари масалаларини ҳал этиш бўйича 42 та тadbirга бош-қош бўлди. Унинг бевосита кўмаги билан 33 нафар ишсиз ёшлар аниқланиб, бандлиги таъминланди. Қолаверса, БПТ фаолларининг эхтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олиш, ёшларда тadbirkorлик кўникмаларини шакллантириш борасидаги ташаббуслари ҳам ибратли.

Бугунги кунда бутун дунё иқлим ўзгариши, энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш ва экологик барқарорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратаётган бир пайтда, қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш нафақат иқтисодий, балки стратегик аҳамият касб этмоқда. Профессор Гулом Узоқов ана шу устувор йўналишни ўзининг илмий фао-

лиятининг бош мезонига айлантирган олимлардан бири саналади.

У мустақиллиқнинг дастлабки йилларидан муқобил энергия манбалари ва энергия тежамкор технологияларни ривожлантириш бўйича илмий изланишлар олиб бориб, мазкур соҳада мустаҳкам илмий мактаб шакллантиришга муваффақ бўлди.

Устознинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида Қарши давлат техника университетиди "Муқобил энергия манбалари" илмий-тадқиқот лабораторияси ва илмий маркази ташкил этилди. Бу масканлар нафақат илмий изланишлар, балки ёш тадқиқотчилар учун ҳақиқий билим ва тажриба мактабига айланди.

Марказ қошидаги ўқув-илмий полигонда қуёш иссиқхонаси, қуёш ҳаво қиздириш қурилмалари, экспериментал қуёш уйи, биомассадан муқобил ёқилғи олиш учун биогаз ва пиролиз қурилмалари, мини шамол ҳамда қуёш электр станциялари фаолият кўрсатмоқда. Қуввати 35 киловатт бўлган қуёш фотоелектр станцияси эса Энергия муҳандислиги факультетини тўлиқ "яшил" энергия билан таъминлаб келмоқда.

Энг муҳими, мазкур қурилмалар китобдаги назарияни амалиёт билан боғлайдиган, ёш олимларнинг илмий гоёларини рўёбга чиқарадиган ўзига хос инновацион майдон вазифасини бажармоқда.

Халқимизда "Устоз отангдай улуг" деган ҳикмат бор. Гулом Узоқов нафақат етук олим, балки минглаб талабалар ва ёш тадқиқотчилар учун ҳақиқий устоздир. Унинг раҳбарлигида 3 нафар олим фан доктори ва 15 нафар фалсафа доктори илмий даражага эга бўлди. Бугун улар мамлакатимиз иқтисодиётининг турли соҳаларида самарали фаолият юритиб, устоз анъаналарини муносиб давом эттирмоқдалар.

Гулом Узоқов раҳбарлигида шаклланган илмий мактаб бугун дунё илм аҳли эътироф этаётган нуфузли марказлар билан ҳамкорлик қилиб кел-

моқда. Россия, Хитой, Туркия, Малайзия, Беларусь ва Қозғистоннинг етакчи университетлари ҳамда илмий муассасалари билан ўрнатилган ҳамкорлик алоқалари бунинг яққол исботидир. Унинг ташаббуси билан Қарши давлат техника университетиди халқаро илмий-амалий анжуманлар мунтазам ташкил этилиб, улар энергетика соҳасидаги долзарб масалалар муҳокамаси учун муҳим мулоқот майдонига айланди.

Профессорнинг кўп йиллик самарали илмий фаолияти салмоқли натижаларда ўз ифодасини топган. Гулом Узоқов 14 та монография, 10 та дарслик ва 15 та ўқув қўлланма муаллифи ҳисобланади. Республика ва хорижий илмий журналларда чоп этилган 300 дан ортиқ мақолалари, жумладан, Scopus халқаро базасида индексация қилинган 40 дан зиёд илмий ишлари унинг юксак илмий салоҳиятидан далолат беради.

Шунингдек, олим 40 та ихтиро учун патент ва 35 та дастурий махсулот муаллифи сифатида ҳам илм-фан ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Сўнгги беш йилда унинг раҳбарлигида 8 та илмий лойиҳа давлат грантлари танловида ғолиб бўлиб, 2 та инновацион ишланма амалиётга жорий этилди.

Илм аҳлининг меҳнати вақт синовидан ўтди. Гулом Узоқовнинг илмий ютуқлари ҳам халқаро миқёсда муносиб эътироф этилмоқда. У 2020 йилда Россия табиий фанлар академияси академиги, 2023 йилда эса Малайзиянинг Петронас технологиялар университети фахрий профессори этиб сайланди.

Устознинг меҳнати давлатимиз томонидан ҳам муносиб қадрланиб, "Инновацион гоёлар етакчиси" ва "Олий таълим аълочиси" нишонлари билан тақдирланган.

Гулом Узоқовнинг ҳаёт йўлига назар ташлар эканмиз, бир ҳақиқат янада ойдинлашади: илмга фидойилик билан хизмат қилган инсоннинг номи вақт ўтиши билан эмас, балки унинг эзгу ишлари билан абадийлашади.

Профессор Гулом Узоқов ўзининг сермазмун фаолияти, юксак касбий маҳорати, жамоатчилик ишларидаги фаоллиги ҳамда ёш авлодин ватанпарварлик руҳида тарбиялаш йўлидаги самарали меҳнати билан кенг жамоатчилик орасида юксак ҳурмат қозонган. Биз, "Адолатчи"лар ҳам Гулом Узоқовга нам йўлда ёққан чироғингиз ҳеч қачон сўнмасин, эзгу гоёларингиз юртимиз тараққиётига хизмат қилишда давом этаверсин, деймиз.

Худудлардан хабарлар

ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ҚУРИЛИШИ БОШЛАНДИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Тўртқўл туманида 29-сонли давлат таълим муассасасининг қурилиш ишлари расман бошланди. Мазкур лойиҳа ҳудудда таълим инфратузилмасини янада ривожлантириш, болалар учун замонавий ва қулай шароитлар яратишга хизмат қилади. Қурилиш ишлари жараёни билан **ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Жўқорғи Кенгеси депутати Ўрингул Аллабергенова** яқиндан танишди.

Ўрганишда қурилиш майдонидаги ишларнинг бориши, лойиҳа ҳужжатларига мувофиқлиги, қурилиш материалларининг сифати ҳамда ишларни белгиланган муддатларда якунлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Депутат масъул мутасаддилар билан суҳбатлашиб, қурилиш ишларини сифатли ва вақтида амалга ошириш бўйича тавсиялар берди. Шунингдек, янги таълим муассасаси фойдаланишга топширилгач, ҳудуддаги болаларнинг сифатли таълим ва тарбия олиши учун янада кенг имкониятлар яратилишини таъкидлади.

Дарҳақиқат, бугун таълим тизимини ривожлантириш, замонавий таълим масканларини барпо этиш ва ёш авлод учун муносиб шароитлар яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

ЙЎЛ ҚУРИЛИШИ ВА ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ДЕПУТАТ НАЗОРАТИДА

Халқ депутатлари Чимбой туман Кенгаши депутати К.Жўрабеков "Ор-жар" МФЙ ҳудудида олиб борилаётган йўл қурилиши ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишди.

Жараёнда маҳалла ички йўлларида амалга оширилаётган асфальт ётқи-зиш ишлари, йўл четларини тартибга келтириш ва қурилиш сифатига алоҳида эътибор қаратилди. Депутат мутасадди ташкилотлар вакиллари билан суҳбатлашиб, бажарилаётган ишларнинг сифати ва муддатлари билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилди. Шунингдек, фуқаролар учун қулай ва хавфсиз инфратузилма яратиш мақсадида йўл қурилиши жараё-нларини доимий назорат қилиб бо-

риш муҳим эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, депутат маҳалладаги электр таъминоти билан боғлиқ вазиятни ўрганди. Электр узатиш тармоқлари, таянч устунлари ва трансформатор пунктларининг техник ҳолати кўздан кечирилди. Ҳудудда электр таъминоти сифати яхшилаш, тармоқларни модернизация қилиш ва аҳолини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди. Депутат томонидан ушбу масалалар бўйича жамоатчилик назорати давом эттирилиши таъкидланди.

КОРРУПЦИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ЁРДАМИДА ЙЎҚОТИЛАДИ

Муносабат

Коррупция – тор маънода айтганда, шахсга давлат томонидан берилган ваколатни муайян ҳақ ёки муайян хизмат эвазига сотишдир. Кенг маънода эса давлатнинг ривожига тўсиқ бўладиган, фуқароларда давлат органларига нисбатан ишончсизлик уйғотадиган, давлат ҳокимия-тининг дарз кетган кўринишидир. Коррупциянинг ижтимоий хавфлилиги ҳам айнан мана шунда.



Азизбек КОМИЛОВ,
"Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини баҳолаш маркази" давлат муассасаси бўлим бошлиғи

Юртимизда ушбу иллатга қарши кураш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Шу билан бирга, жамият ва давлат тараққиётига катта ғов бўлаётган бу тўсиқни олиб ташлаш, давлат органлари фаолиятида очиклик ва шаффофликни таъминлаш, фуқароларнинг қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган қатор ҳуқуқий механизмлар ишлаб чиқилмоқда.

Жорий йил 22 июнда қабул қилинган *"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини оширишга, коррупцияга оид жиноятлар учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлашга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"*ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни ҳам айна шу иллатнинг илдизини қуриштишга қаратилганлиги билан аҳамиятли бўлди. Мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикасининг "Жиноят кодекси", "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги кодекс ҳамда "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонунга қатор муҳим ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Энг муҳим янгиликлардан бири – коррупцияга оид жиноятларнинг аниқ рўйхати қонунчилик даражасида белгилангани. Яъни, илгари амалиётда турлича тафқин қилиниши мумкин бўлган айрим жиноятлар эндиликда коррупцияга оид жиноятлар сифатида аниқ эътироф этилди. Бу эса ҳуқуқни қўллаш амалиётида ягона ёндашуви шакллантириш, жавобгарлиқнинг муқаррарлигини таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Яна бир жиҳат, коррупцияга оид жиноятларни содир этган шахсларнинг электрон реестри жорий этилиши, мазкур жиноятларнинг томир ёйишига жиддий тўсиқ бўлади. Эндиликда суднинг айблов ҳукми асосида жиноят содир этишда айбдор, деб топилган шахслар ҳақида ҳукм қонуний қучга кирган пайтдан эътиборан уч иш кун ичида электрон реестрга маълумот киритилади. Мазкур реестр Ички ишлар вазирлиги томонидан шакллантирилади ҳамда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан ҳамкорликда юритилади.

Электрон реестрнинг жорий этилиши фақатгина ҳисоб юритиш воситаси эмас, балки коррупциянинг олдини олишга қаратилган муҳим профилактик механизм ҳам ҳисобланади. Чунки реестрга киритилган шахсларга нисбатан давлат хизматига кириш, давлат муқофотлари билан тақдирланиш, сайланадиган ва алоҳида тартибда тайинланадиган лавозимларга номзод бўлиш, давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари таркибида фаолият юритиш ҳамда айрим давлат харидлари ва давлат-хусусий шериклик асосидаги лойиҳаларда иштирок этиш бўйича қонуний чекловлар белгиланмоқда.

Шунингдек, қонун билан давлат харидларини амалга ошириш жараёнида ҳам жавобгарлик кучайтирилди. Хусусан, давлат хариди предметининг бошланғич нархи ва ўртача бозор нархи ўртасидаги қонунчиликда белгиланган максимал тафовут талабларини бузган мансабдор шахслар маъмурий жавобгарликка тортилиши белгиланди. Бу эса давлат маблағларидан оқилона фойдаланиш, сунъий нарх оширилишининг олдини олиш ҳамда бюджет маблағларининг самарали сарфланишига хизмат қилади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш кераки, қонун билан барча давлат органлари ва ташкилотларида комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тизимларини янада ривожлантириш назарда тутилган. Бундай тизимларнинг асосий вазифаси коррупцион хавфларни барвақт аниқлаш, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, ходимларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, энг муҳими, ҳалоллик тамойилларини мустаҳкамлашдан иборат.

"Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини баҳолаш маркази" давлат муассасасида ҳам айнан коррупцияга қарши курашиш, очиклик ва шаффофликни таъминлаш, ходимларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, хизмат вазифаларини ҳалол, виждонан, масъулият билан бажаришга жиддий эътибор қаратиб келмоқда. Шунингдек, ходимлар ўртасида коррупцияга нисбатан муросасизликни шакллантириш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, хизмат одоби қоидаларига риоя этишни таъминлаш бўйича мунтазам тарғибот, тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.

Кези келганда айтиш керак, коррупция кенг жамоатчилик ёрдамида йўқотилади. Коррупцияга қарши кураш фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг вазифаси эмас, балки давлат органлари, ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари ва ҳар бир фуқаронинг умумий бурчидир. Зеро, ҳалоллик, қонун устуворлиги ва адолат тамойиллари устувор бўлган жамиятдагина барқарор тараққиёт бўлади.

Бугун амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти ҳам худди шунга қаратилган. Энг оғирлиги ва доимий эътибор талаб қиладиган масала коррупцияга қарши курашиш бўйича янги ҳуқуқий механизмларнинг ҳаётга татбиқ этилиши давлат бошқарувида шаффофликни янада кучайтиради. Пировардида, фуқароларнинг давлат органларига бўлган ишончини мустаҳкамлайди ва Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида белгиланган мақсадларга эришишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.



Мақом санъати

халқимизнинг маънавий қудрати,
асрлар оша янграб келаётган ноёб овози

Президентимизнинг Наманган вилоятида Халқаро мақом санъати анжумани очилишида сўзлаган нутқи бугунги кунда мамлакатимиз маданий сиёсати, маънавий тикланиш жараёнлари ва миллий мероси халқаро миқёсда тарғиб этиш стратегиясининг чуқур мазмун-моҳиятини намоён этди.

**Ойдин АБДУЛЛАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг
Фан, таълим, маданият, спорт ва
ёшлар масалалари қўмитаси раис ўринбосари**

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, мақом санъати “**миллатнинг хотираси, халқнинг қалби ва асрлар оша янграб келаётган маънавий овозидир**”. Бу таъриф мақомнинг эстетик ҳодиса сифатидагина эмас, балки цивилизация феномен сифатида қаралаётганини англатади.

Дарҳақиқат, ЮНЕСКО томонидан инсониятнинг номоддий маданий мероси сифатида эътироф этилган мақом санъати Шарқ мусиқа маданиятининг энг юксак намунасидир. Мақомда халқнинг тарихий тажрибаси, теран тафаккури, дарди ва қувончи мужассам бўлиб, у авлодлар ўртасида маънавий кўприк вазифасини бажаради.

Янги Ўзбекистонда мақом санъатини ривожлантириш бўйича тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, таълим тизимида “мақома мактаби – ихтисослашган мактаб – олийгоҳ” занжири орқали

узулқисз таълим имконияти яратилгани, ижодий бирлашмалар ташкил этилгани ва маҳалла даражасида истеъдодларни қўллаб-қувватлаш тизими жорий этилаётгани муҳим аҳамиятга эга. Бу ёндашув мақом санъатини фақат сахна санъати сифатида эмас, балки ижтимоий-маънавий тарбия воситаси сифатида ҳам ривожлантиришга қаратилганини англатади.

Бугунги кунда мақом санъатини рақамлаштириш ва унинг илмий асосларини кучайтириш масаласи ҳам жуда долзарб ҳисобланади. “Жаҳон мақом антологияси”ни яратиш, рақамли архив ва мобил илова ишлаб чиқиш, халқаро рақамли кутубхона ташкил этиш каби ташаббуслар бу соҳада глобал инновацион босқич бошланаётганини кўрсатади. Бу ташаббуслар мақом санъатини фақат анъанавий шаклда эмас, балки замонавий технологиялар орқали ҳам келажак авлодларга ет-

казиш имконини беради.

Янги Тошкентда Мақом маркази ва Халқаро мақом академиясини ташкил этиш ташаббуси алоҳида эътиборга молиқдир. Бу марказлар нафақат миллий, балки халқаро миқёсда мақомшунослик илмини ривожлантирадиган йирик илмий-маданий платформага айланиши кўзда тутилмоқда. Халқаро жамғарма ва мақом мукофотини таъсис этиш таклифи эса соҳадаги ижодкорлар ва олимларни рағбатлантиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Мақом фестивалининг очилишида давлатимиз илгари сурган бир қатор ташаббуслар орасида “Шашмақом”нинг 6 та йўналиши бўйича ҳудудларда “Мақом йўли” маданий-туристик маршрутини яратиш гоёси катта аҳамиятга эга. Жумладан, Бухорода “Бузрук”, Самарқандда “Рост”, Хиёвда “Хоразм” ва “Ирок”, Кўкonda “Наво”, Шаҳрисабзда “Дугоҳ”, Тошкентда эса “Сеғоҳ” мақомлари бўйича туризм-тематик кўчалар ташкил этилиши режалаштирилган.

Юртимизда Халқаро мақом фестивалининг учинчи бор ўтказилиши муносабати билан давлатимиз раҳбарининг Юнус Ражабий номидаги мақом ансамблига миллий давлат ансамбли мақомини бериш тўғрисида қарори эълон қилинди. Ушбу юксак эътироф жамоанинг кўп йиллик самарали ижоди, миллий мусиқа меросини асраб-авайлаш ва уни жаҳон миқёсида тарғиб этиш йўлидаги беқиёс хизматларининг муносиб қадрланиши сифатида баҳоланади.

Президентимиз нутқи мақом санъатини миллий маданиятнинг асосий



“**UNESCO томони-
дан Инсониятнинг
номоддий маданий
мероси рўйхатига**

**киритилган мақом нақадар
буюк ва ноёб санъат эканини
барчамиз яхши биламиз ва
халқаро ҳамжамиятнинг
бундай эътирофини юксак
қадраймиз. Зеро, мақом бу
оддий мусиқа эмас. Мақом –
миллатнинг хотираси, халқ-
нинг қалби ва асрлар оша
янграб келаётган маънавий
овозидир. Унда ажодлар
ҳикмати, орзу-умидлари,
дарди ва қувончи мужассам”.**

устунларидан бири сифатида ривожлантириш, уни глобал маданий майдонга олиб чиқиш ва замонавий илм-фан билан уйғунлаштиришга қаратилган кенг қамровли стратегияни акс эттиради. Зеро, мақом бугун нафақат мусиқий анъана, балки халқлар ўртасида дўстлик, ўзаро тушуниш ва маънавий яқинлиқни таъминловчи универсал маданий тил сифатида намоён бўлмоқда. Янги Ўзбекистоннинг бу борадаги ташаббуслари унинг жаҳон маданий макондаги нуфузини янада оширишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

ДУНЁНИ ЯНА Наманган бирлаштирди

Тўрт кун давомида қадимий ва навқирон Наманган шаҳри жаҳон маданиятининг йирик марказларидан бирига айланди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маориф, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти – UNESCO ҳамда Ислом олами таълим, фан ва маданият ташкилоти – ICESCO шафелигида ташкил этилган Учинчи халқаро мақом санъати анжумани нафақат мусиқий байрам, балки маънавият, маданият ва цивилизациялар мулоқотининг юксак намунаси бўлди.

**Исроилжон ЖЎРАЕВ,
“Адолат” СДП Наманган вилоят кенгаши раиси**

Фестивалнинг энг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, у фақат сахнадаги чиқишлар билан чекланиб қолмади. Наманган шаҳридаги “Маърифат маскани” да “Шарқ мақомотининг янги тенденциялари: анъана ва инновациялар уйғунлиги” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди. Унда турли мамлакатлардан ташриф буюрган олимлар, санъатшунослар ва ижодкорлар мақомнинг тарихи, унинг бугуни ва келажаги ҳақида фикр алмашдилар. Бу эса мақомни нафақат ижро этиш, балки уни илмий жиҳатдан ўрганиш ва келажак авлодларга етказиш масаласига ҳам катта эътибор қаратилаётганини кўрсатади.

Анжуманинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти иштирок этиб, нутқ сўзлади. Давлат раҳбари мақом санъати халқимизнинг кўп асрлик маънавий мероси эканини, уни асраб-авайлаш ва халқаро миқёсда тарғиб қилиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири эканини алоҳида таъкидлади. Бу эътибор миллий маданиятимизга кўрсатилаётган юксак ғамхўрликнинг яна бир амалий ифодаси бўлди.

Фестивалнинг тантанали ёпилиш маросими Давлатобод туманидаги муҳташам “Янги Ўзбекистон” боғида ўтказилди. Турли миллат вакиллари ижросида янграган мақом, мўғом, халқ куйлари ва мумтоз оҳанглар бир неча кун давомида мусиқа ихлосмандларини маънавий оламга етаклади. Бу сахнада тиллар бошқа-бошқа бўлса-да, куйнинг тили ягона экани яна бир бор исботланди.

Энг қувонарлиси, анжуманининг бош соврини — Гран-при Ўзбекистонлик санъаткор, Ўзбекистон давлат филармонияси Наманган вилояти ҳудудий бўлинимаси раҳбари Орифжон Эргашевга насиб этди. Унинг маҳорати, миллий ижро анъаналарига содиқлиги ва юксак сахна маданияти халқаро ҳакамлар ҳайъатининг муносиб баҳосига сазовор бўлиб, унга 15 минг АҚШ доллари миқдоридagi мукофот топширилди.

Анжуманда дунёнинг турли қитъаларидан ташриф буюрган ижодий жамоалар ҳам ўзaro беллашиб, миллий мусиқа ўзбектининг бетакрор намуналарини тақдим этдилар. Биринчи ўринга Ўзбекистон давлат симфоник оркестри Миллий қолғулар ансамбли, Озарбайжоннинг таниқли ижрочилари Камила Набиева, Муғом ансамбли, Нураддин Тагиев ва Теймур Жабраилов, шунингдек, Монголиянинг “Серендава Сотгтерел” ансамбли муносиб кўрилди.

Иккинчи ўринни Қозоғистоннинг «Қаған» этно-фольклор ансамбли, Грузиянинг “Илалони” ансамбли, Туркия ва Япониядан ташриф буюрган маҳоратли ижрочилар эгалладилар.

Учинчи ўрин эса Ўзбекистоннинг бир қатор мақом жамоалари, Тожикистон давлат “Шашмақом” ансамбли, Туркменистоннинг анъанавий халқ мусиқаси ижрочилари ҳамда ёш хонандалар ансамблига насиб этди. Ғолиблар диплом, статуетка ва пул мукофотлари билан тақдирланди.

Шунингдек, “Энг яхши мақом хонандаси”, “Энг яхши мақом созандаси”, “Энг яхши мақом устози”, “Энг яхши мақом тарғиботчиси”, “Энг яхши ёш мақомчи” ва “Энг яхши мақом бастакори” каби номинациялар бўйича ҳам муносиб ижодкорлар рағбатлантирилди.

Бир сўз билан айтганда, Наманганда ўтказилган ушбу анжуман маданий тадбирдан ҳам кенгроқ мазмун касб этди. У халқларни яқинлаштириш, ўзаро ҳурмат ва бағрикенгликни мустаҳкамлаш, ёш авлод қалбида миллий қадриятларга меҳр уйғотишга хизмат қилди.

Учинчи халқаро мақом санъати анжумани миллий маданиятимизнинг жаҳон сахнасидаги яна бир улкан зафари сифатида тарихга муҳрланди.

“АЛ БЕРУНИЙ” ЯНГИ ҚИЁФАДА ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ

Партия ўрганишлари натижасида 8,5 мингдан ортиқ
фуқаро янги поликлиника хизматидан фойдаланади

**Лола САЙИДОВА,
Самарқанд вилоят кенгаши
раиси ўринбосари**

Тиббиёт муассасалари аҳоли саломатлигини таъминлашда энг яқин ва муҳим бўлган ҳисобланади. Шу боис уларнинг моддий-техник ҳолати ва аҳоли учун яратилган шароитлар доимий эътибор ва назоратни талаб этади. Пастдарғом туманидаги “Ал Беруний” оилавий шифокорлик пункти фаолияти ўрнатилганда ҳам айнан шу масала кун тартибига чиққан эди.

2025 йилнинг 23 январь санасида “Адолат” социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши томонидан Самарқанд вилоятида ишчи гуруҳ юборилиб, ҳудудда мавжуд ижтимоий соҳада мавжуд ҳолатлар ўрганилганди. Ишчи гуруҳ таркибида партия Марказий аппарати масъул ходимлари, вилоят партия ташкилоти вакиллари ҳамда депутатлар иштирок этганди.

Ўрганишлар жараёнида “Ал Беруний” оилавий шифокорлик пунктнинг бино ҳолати ва фаолияти билан яқиндан танишилди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, муассаса биноси узоқ йиллар давомида таъмирланмагани сабабли эскирган, замонавий тиббий хизмат кўрсатиш талабларига умуман жавоб бермайдиган ҳолатга келиб қолган.

Мазкур ҳолат ишчи гуруҳ томонидан масъул ташкилотлар эътиборига етказилди. Партиянинг



Самарқанд вилояти кенгаши раҳбарияти ҳамда **халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари Ҳиммат Окбутаев ва Гулбека Қўчқаровлар** томонидан тегишли мутасадди идораларга депутатлик сўровлари қилиниб, масала назоратга олинди.

Олиб борилган амалий сайёҳ-ҳаракатлар натижасида объектда реконструкция ишлари бошланди. Бугунги кунда “Ал Беруний” оилавий шифокорлик пунктида кенг қўламли курилиш-таъмирлаш ишлари жадал суръатларда давом этмоқда.

Лойиҳа доирасида умумий қиймати 2 миллиард 400 миллион сўмга яқин маблағ ҳисобидан мавжуд 50 қатновли бино тўлиқ қайта таъмирланиб,



замонавий оилавий поликлиника сифатида шакллантирилмоқда. Янги тиббиёт муассасаси 8 минг 500 дан ортиқ аҳолига хизмат кўрсатишга мўлжалланган бўлиб, аҳолининг сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятларини сезиларли даражада кенгайтиради.

Яқинда партия вилоят кенгаши раҳбарияти ва халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Гулбека Қўчқарова курилиш ишлари бориши билан танишиб, объектда амалга оширилаётган ишлар сифати ва муддатларига алоҳида эътибор қаратди. Ўрганиш давомида масъулларга қўшимча тавсия ва кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, тиббиёт муассасасининг курилиш, таъмирлаш ишларида фаоллик кўрсатаётган ишчи-ҳодимларга меҳнат фаолияти учун зарур бўлган иш қиймлари ҳамда партия тарғибот воситалари топширилди.

Мутасаддиларнинг маълум қилишича, реконструкция ишлари жорий йилнинг 15 июль санасига қадар тўлиқ якунланиб, объект фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Бу лойиҳа – фақат бинога берилган янги ҳаёт эмас. Бу – жамоатчилик назорати, ижтимоий адолат ва халқ манфаати устуворлигининг амалий натижасидир. Адолатчилар учун энг муҳими – муаммо қаерда бўлмасин, у очик кўтарилиши ва амалий ечим топилиши. “Ал Беруний” мисолида ҳам айнан шу тамойил ўз ифодасини топмоқда.



Чемпионат ғолиб – МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ

Фикр

...Башарият тарихининг Биринчи, Иккинчи
Ренессанси Шарқда бошланган, илму фанда, ма-
данияту маърифатда, ижтимоий ҳаётда катта
тараққиётни уйғотган.

**Муҳтарама УЛУГОВА,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган маданият ходими**

Иккала Ренессанснинг пойдеворини қуриб, устунларини, иморатини тиклаган Муҳаммад Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Умар Хайём, Имом Бухорий, Алишер Навоий, Камолитдин Беҳзод, Али Қушчи... каби бобокалонларимизнинг ҳар бири дунё миқёсида аниқ ва ижтимоий фанларда, адабиёту санъатда инқилобий ўзгаришга сабабчи иқтидор урпақини соҳиби бўлиш билан бирга, маънавият оламнинг ҳам ибратли шахси, маънавият илмининг олимлари, тарғиботчилари бўлганлар. Айни фикрни уларнинг фалсафий асарлари, маъноси қурч ҳикоятлари, тўртлигу рубоийлари, маснавийлари, ҳаётий ибратлари тасдиқлайди. Утган барча олим уламоларимиз ҳар қандай илму ҳунар одамийлигининг, инсонпарварлигининг тупроғи, суви, ҳавоси, қуёшидан баҳра олгандагина жамият учун эзгулик ва тараққиёт йўлига айланиши мумкинлиги тарғиб этганлар, таъкидлаганлар.

Спорт олами вакиллари учун ҳам айни ҳақиқат истисно эмас.

Митти юраги ватандошлар ўйида ютқазаётгани учун ғамга тўлиб, кўз ёши юзини юваётган Ўзбекистон ўғлончасини колумбиялик футбол мухлиси тасвирга олди, ўша лаҳзаларда бу ҳолатга шу атрофдаги колумбияликлар гувоҳ бўлишди. Улар бу тасвири ижтимоий тармоққа қўйганидан кейин эса... турли юртларнинг турли миллатларга мансуб минглаб, миллионлаб одамлари қизиқишини, меҳрини, ҳавасини уйғотмоқда бу болакай. Энди айни воқеа тарих саҳифаларидан ўчмайди ва қалбларни энтиқтирадиган ўша лаҳзалар шарҳи ўзбек футболчилари, Ўзбекистон номи билан бево-сита боғлиқ!

Қандай фикрдасиз, дунё ижтимоий ҳаётида мамлакатлар, инсонлар тақдирини ҳал этишда давлатларнинг сиёсий лидерлиги, ҳарбий қудрати, иқтисодий устунлигининг ўрни, аҳамияти ортиб бораётган ҳозирги кунда ватан шарафи қайғусида ёш тўкиб ўтирган бир гўдакни миллионлаб нотаниш кишилар ғойибдан яхши қўриб қолгани, бағрига босаётгани, меҳру муҳаббат изҳор қилаётганининг боиси нимада?..

Инсон деган номнинг улуғлиги бой-лик, зўравонлик, катта мартабаю юқори минбарлардан ўрин олиш билан эмас, балки биринчи навбатда, унинг ер юзида ҳаёт тинч-осуда, чиройли, фаровон бўлишига қўшган ҳис-

саси билан ўлчанади, изоҳланади. Замонлар турмуш тарзларининг шаклу шамойилини ўзгатириши мумкин, аммо чин инсонийлик мезонлари – ҳалоллик, атрофдагиларга эътибору эҳтиром, бағрикенглик, озодаю поклик, Аллоҳнинг ҳамма бандаси эркин шахс сифатида тенглиги сўз ва амалда садоқатлилик, хайрли ишларга ёндошлик, ватанпарварлигу халқпарварликда ибрат бўлиш билан бирга, дунё элларини ҳам бирдек қўллаш, англаш каби фазилатлар барча давлатлар, жамиятларнинг муштарак тараққиёт илдизлари бўлиб қолаверадилар. Зеро, донишмандлар таъкидлаганидек, ҳар қандай илм, маърифат, ҳунар фақат эзгу ниятли инсонлар қўлидагина яхшиликка хизмат қилади. Бу ҳақиматга яна бир қарра иқдор бўлиш учун бугунги кун дунё воқеаларини қалб кўзгусидан ўтказиш қифоя.

Спорт одамларнинг жисмоний, руҳий имкониятларини намойиш этиш билан бирга, уларнинг қалб гўзалликларини очишга, яқна шахслардан тортиб миллат элатларни бирлаштиришга ҳам хизмат қилади, унутилмас хотираларга сабаб бўлади.

Адабиётимизнинг бетақорор сиймопаридан бўлган ёзувчи Ойбек домла ҳақида шогирдлари сўзлаб юрадиган шундай хотира бор: футболга қизиқмайдиган Ойбекни бир гал шогирдлари кўндириб, “Пахтакор” стадионига ўйинга олиб киришибди. Ойбекнинг диққатини асосан атрофдаги одамлар, яшил майдон торттибди. Қоронғу туша бошлабди, стадионнинг тўрт томонидаги прожекторлар ёнғач, уларнинг ёруғи устозни янада руҳлантирибди, аммо вақт ўтиши билан бунинг ҳам қизиғи қолмабди. Шу пайт ўйинчилардан бири тепанг тўп баландга кўтарилибди-да, прожекторнинг ёруғида айланиб-айланиб пастлабди. Шунда тўпга кўзи тушган беназир ёзувчи ёнидаги шогирдини тўртган экан: “Бўлди, шуниси ютди. Энди ҳеч ким ундан баландроққа теполмас керак. Тур, кетдик!”

Хотираси жуда кучлилар ёдида айрим ўйинлар катта-кичик тафсилотлари билан сақланиб қолиши мумкин. Лекин ёзувчи Ойбек билан боғлиқ юқоридаги воқеа ёдномаларда қолди, жуда кўпчилик завқланиб гапирди юради. Сабаби – инсон қалбининг беғуборлиги, соддалиги, табиий ва савимийлиги ҳамма замонларда қадрли, эътиборга молик, кўнгилларни или-тади ва боғлайди...

Халқимиз, тўғрироғи, Ўрта Осиё эл-

лари яқин йилларда бунчалар яқдил-лик билан қалбан жипслашиб муштарак ҳаяжонда яшамагандик. Ўзбекистон терма жамоаси 2026 йил жаҳон чемпионатида иштирок этиши билан боғлиқ қувонч, ифтихорнинг мазмуни футболчи йигитларимизнинг гўзал фазилатлари (бунинг учун, аввало, уларнинг ота-оналари, ўқитувчи ва мураббийларига ташаккур!) билан янада бойиб, ер юзи халқлари ҳам даврамизга беихтиёр қўшилди. Уларнинг қўлларида Ўзбекистон байроғи ҳил-пираётгани, турли тилларда “Ўзбекистон, олға!” деб олқишлаётганлари, футболчиларимиз шаънига айтилаётган қўшчилар... каби унутилмас манзаралар дунё ахли футболчи йигитларимиз тимсолида Янги Ўзбекистонни шарафлаётгани тимсолидир.

Хулоса... Бу энди менинг фикрим эмас, ер юзининг турли ҳудудларидан баён этилаётган мулоҳазалар ичида бир эътироф қайта-қайта учрамоқда: “Футбол – 2026” чемпионатида қандай натижаларга эришишдан қатъи назар, Ўзбекистон терма жамоаси ғолибликни қўлга киритиб бўлди!”

Бу савимий изҳорлар янги зафарларга қанот бағишлайди.

Юқоридаги далилу мулоҳазалар орзумиздаги яна бир юксак мақсад эътирофига йўл очаётгандек: қадимдан маънавият, маданият, маърифат ўчоғи бўлган Туронзамин Биринчи ва Иккинчи Ренессансга бешик бўлгани каби, бугун халқимиз маънавияти, маданиятини жаҳон ахли ҳолис эътироф этаётгани, республиканинг ижтимоий-сиёсий-иқтисодий соҳаларидаги собит қадамлари Учинчи Ренессанснинг умидбахш эпкинларидир десак, асло адашмаймиз.



Биз кучли бўлиб қайтампиз!

Футбол бўйича Жаҳон чемпионати биз учун тугади. Улкан кутилмалар, орзулар, ғалабамизни нишонлашга бўлган иштиёқ қатор мағлубиятлар қозигиға қоқилди.

**Салим Дониёров,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист**

Алам ва чорасизлик каби туйғулар миллионлаб юракларни қуршаб олди.

Ҳис-ҳаяжонлар жўшиб, кимдир айбдорларни қидирди, бошқалар юпанч остонасидан жой эгаллади.

Қалблардан отилган ҳайқириклар ҳали-ҳамон уммонларни тоширмоқда.

Нега шундай бўлди? Нега биз бу чемпионатда муваффақият билан қайтмадик? Биз ғалабага лойиқ эмасмидик?

Мунгли ва аллақандай изтиробли нигоҳлар сўнгги кунларда барчамизни қамраб олди.

Айримлар Жаҳон чемпионатига чиқишимизнинг ўзи буюк тарих, футболчиларимиз борини бериб ўйнади, деса, бошқалар муррабий маҳоратининг йўқлиги ҳамда баъзи футболчиларнинг савиясини рўқач қилиб хейтлаштиришди.

Ижтимоий тармоқларда терма жамоа мураббийи ва футболчиларга қарши турли салбий фикрлар ва ҳатто ҳақоратларни қузнатдик.

Шуларни кўрганда, ўйлаб қолсан киши: **“Кечагина биз терма жамоамизни Жаҳон чемпионатида чиққанида кўкка кўтариб, гурур ва ифтихорга буркаган эдик. Нега бугун мағлубиятга учраганда киргоқнинг нариги томонига ўтиб, уларга аёвсиз хейтлар ёдираямиз...”**

“Биз киммиз ўзи? Қандай халқимиз? Қандай миллатимиз?”

Кеча Япония терма жамоаси Бразилияга қарши тенгма-тенг курашиб, 1:1 ҳисобида яқун топаётган ўйиннинг охири сонияларида гол ўтказиб юбориб, чемпионатдаги юришини тўхтатди.

Мураббийдан тортиб, футболчилар ва бутун япон халқи йиғлади... Ўта аламли мағлубиятдан сўнг мураббий ва футболчилар стадиондаги ишқибозлар ва бутун халқидан уэр сўради.

Қойил қолиш керак, японлар қўз ёшларини тия олмаса-да, терма жамоасини ёмонлаганини қузнатмаямиз. Қузнатмаймиз ҳам... Та-санно! Мана миллат ва халқ яқдиллиги, ҳамжиҳатлиги...

Лекин мағлубиятдан кейин ўз жамоаларини ҳақорат қилиб, хурматсизлик уммонига ғарқ қилганлар ҳам бўлди.

Мана Уругвай терма жамоаси футболчилари аэропортда чипта қидириб сарсон бўлишди. Нимага? Чунки мамлакат ҳукумати ўз терма жамоаси мағлубиятга учраб, гуруҳ босқичидан чиқа олмаганидан кейин, уларга аталган чартер самолёти АҚШга юборишдан бош тортди.

Буни қандай тушуниш керак?

Жанубий Корея ҳам гуруҳдан чиқолмагач, мамлакат раҳбарияти ўз футбол федерацияси ва терма жамоасида текширувлар бошлаб юборди.

Буям ёндашувми?

Халқимизда “Ғалабанинг минг битта отаси бор, мағлубият эса ҳаммаша етим” деган нақл бор.

Тан олиш керак, биз биринчи бор иштирок этган Жаҳон чемпионати ҳаммамиз учун синовли бўлди.

Бундай пайтда қандай йўл тутишимиз керак, деган савол барчамизни қийнаши турган гап.

Франциялик йирик олим Гюстав Лебон **“бирор бир миллатнинг миллат сифатида шаклланиши учун минг йиллар керак”**, деган экан.

Биз – уч минг йиллик тарихи соҳиби бўлган миллатимиз, қудратли халқимиз!

Миллатимиз, халқимизга эса асрлар давомида бағрикенглик, ватансеварлик, инсонпарварлик каби олижаноб хислатлар хос, албатта. Алоҳида таъкид қилиш керак, мана шундай онларда Давлатимиз Етакчисининг жаҳон чемпионатида терма жамоамиз иштирокига муносабати жуда кўпчиликнинг, хусусан, менинг ҳам юрагимга мўъжизали малҳам бўлди. Бу ҳолис фикр.

Бундан айтмаслик ҳам нотўғри.

Юртда, миллатда, халқнинг ана шундай мушкул онларида жуда топиб айтилган сўзлар, менимча, ҳаммамизнинг ҳовуримизни босиб, ҳолатга кенгрок ва чуқуррок қарашга ундади:

“Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган терма жамоамиз аъзоларига ортиқча ҳис-туйғу билан эътироз билдириш, улардан айб қидириш халқимизга хос иш эмас. Аксинча, бузун уларни қўллаб-қувватлаш, руҳини кўтариш ҳар қачонгидан ҳам муҳим” деди Президентимиз.

Айнан, халқимизга хос иш эмас.

Бугун АҚШдан қайтган терма жамоамиз аъзолари аэропортда тантанали равишда кутиб олинishi миллатимизнинг, халқимизнинг, ҳар биримизнинг ким эканлигимизни яна бир бор намоён этди, десак, буям айни ҳақиқат.

Тан олайлик, матонатли ўғлонларимиз майдонда борини бериб курашди. Уларнинг оёқлари ҳам, қалблари ҳам моматалоқ бўлганини ўзимиз кўрдик.

Ҳаётдаги ҳақиқий ғолиб ҳеч қачон йиқилмайдиган эмас, балки ҳар сафар йиқилганида яна ўрнидан туриб, ўз устида ишлай оладиган, мақсади сари курашишда давом этадиган инсондир.

Муваффақият орта чекинмасликда эмас, балки қийинчиликлардан сабоқ чиқариб, янада кучлироқ бўлиб қайтишдадир.

Дарҳақиқат, биз бу синовлардан бошимизни гурур билан кўтарган ҳолда ўтамиз. Камчиликларимизни тўғрилаймиз.

Биз кучли бўлиб қайтампиз!

Биз, албатта, улкан ғалабаларга эришамиз – Ватан учун, миллат учун, халқ учун!

ADOLAT

Муассис: “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислам ХАМРОЕВ

Таҳрир хайъати:

Робохон МАХМУДОВА
Баҳром АБДУХАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА

Қодир ЖўРАЕВ
Озода ПАРҲИБОЕВА
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Абдуқамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ

Котибият – 71 288-42-14 (144); 95 096-07-75
Қабулхона – 71 288-42-12 (141)

НАШР
Кўрсаткичи: 100

Газета 1995 йил 22 февралдан
чиқа бошлаган

Навбатчи муҳаррир – Абдуқамол Йўлдошев
Масъул котиб – Абдугани Содиков



Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани “Шарк тонги” кўчаси, 23-уй.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 701

Адади – 4 006
Босишга топшириш вақти – 21.00
Босишга топширилди – 21.10

Баҳоси келишилган нархда

Таҳририятга келган қўлзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

“Шарк” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.



QR коди
орқали
газетанинг
электрон
вариантини
юклаб олинг!